



РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ВА УКРАИНА ЎРТАСИДАГИ ИНҚИРОЗ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ

Эшпулатов Достонбек Баходир ўғли

Гулистон давлат университети таянч докторанти. Ўзбекистон.
eshpolatovdoston@gmail.com

Article DOI: 10.55439/EIT/vol10_iss2/a27

Аннотация

2022 йил 24 феврал куни Россия Федерацияси Украинада “Махсус харбий операция” бошлаши боис Россия ва Украина ўртасида инқирозли вазият юзага келишига сабаб бўлди. Бунинг оқибатида (North Atlantic Treaty Organization) NATO мамлакатлари ва бошқа бир қатор мамлакатлар Россияга нисбатан молиявий санкциялар кўришди. Бу эса бутун жахон мамлакатлари иқтисодиётига ўз таъсири кўрсатмай қолмади. Мақолада мазкур инқирознинг Ўзбекистон миллий иқтисодиётига таъсири ўрганилган ҳамда келиб чиқиши мумкин оқибатлар тахлил қилинган.

Калит сўзлар: Озиқ – овқат махсулотлари, энерго ресурслар, нархларнинг ошиши, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Евро Осиё Иқтисодий иттифоқи, трансчегаравий пул ўтказмалар.

Аннотация

24 февраля 2022 года Российская Федерация начала «Специальную военную операцию» на Украине, что привело к кризисной ситуации между Россией и Украиной. В результате Организация Североатлантического договора (НАТО) и ряд других стран ввели финансовые санкции против России. Это повлияло на экономику всех стран мира. В статье рассматривается влияние кризиса на национальную экономику Узбекистана и анализируются его возможные последствия.

Ключевые слова: продовольствие, энергоресурсы, рост цен, ОДКБ, Евроазиатский экономический союз, трансграничные денежные переводы.

Abstracts

On February 24, 2022, the Russian Federation launched a “Special Military Operation” in Ukraine, which led to a crisis situation between Russia and Ukraine. As a result, the North Atlantic Treaty Organization (NATO) and a number of other countries have imposed financial sanctions on Russia. This has affected the economies of all countries of the world. The article examines the impact of the crisis on the national economy of Uzbekistan and analyzes its possible consequences.

Keywords: Food, energy resources, rising prices, Collective Security Treaty Organization, Euro-Asian Economic Union, cross-border money transfers.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий сиёсатда ўзаро манфаатли, очиқлик ва конструктивлик тамойилларига асосланади. Републикамизнинг ташқи иқтисодий сиёсати асосий йўналишларини минтақада ва дунёда шиддат билан ўзгариб

бораётган вазиятларни инобатга олган холда мамлакат ички иқтисодий ўзгаришларни олиб боради. Ташқи сиёсатимизнинг бош устувор йўналиши Марказий Осиё минтақаси ҳамда МДХ мамлакатлари билан ҳамкорлик аҳолиларини ўрнатишдир. Ўзбекистон Россия билан 2004-йил 16-июнда имзоланган Стратегик ҳамкорлик, 2005-йил 14-ноябрдаги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар ҳамда 2012-йил 4-июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида Стратегик ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация асосида дўстона муносабатларни ҳар томонлама мустақамлаш ва тадрижий ривожлантириш икки мамлакат манфаатларига тўлиқ мос келади ҳамда минтақадаги тинчлик ва хавфсизликни мустақамлашга хизмат қилади. Икки томонлама муносабатларнинг энг муҳим вазифалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-йил 4-5-апрелда Россияга давлат ташрифи ҳамда Россия Федерацияси Президенти В.В.Путиннинг 2018 йил 18-19 октябрда Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида еришилган келишувларни тўлиқ амалга оширилишини таъминлашдан иборатдир [1].

Россия Федерациясининг Украинада махсус операцияни амалга ошириши сабабли Россияга нисбатан Европа иттифоқи ва бошқа айрим мамлакатлар иқтисодий санкциялар қўйишди. Ўз навбатида Россия ҳам акс чораларини қоришди. Оқибатда жаҳон бозори конъюктурасида катта ўзгаришлар содир бўлди. 14 март куни Россиянинг Евросиё Иттифоқи мамлакатларига дон махсулотари ва ўсимлик ёғини экспортини тўхтатиши, 31 мартда Европа мамлакатларига табиий газни рублда сотиши ва х.к.лардан сўнг жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир ўтказди. Хусусан, Россия Федерацияси ва Украина мамлакатлари ўртасидаги вазият жаҳон иқтисодиётида ўсишнинг секинлашуви ва инфляция даражасининг ошиши каби оқибатларда намоён бўлади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Ушбу масалага махаллий ва хорижий экспертлар фикрларини таҳлил қилиб, аниқ йўналишларни аниқладик. Жумладан, махаллий экспертлардан Достон Ахроровнинг тадқиқотида таъсирнинг Ўзбекистон иқтисодиёти Россияники билан кучли интеграциялашмаганлиги боис юмшоқ бўлиши айтилган [2].

Алишер Илхомов, Марказий Осиёдаги Due Diligence директори Россия ва Украина ўртасидаги вазият ва яқинда кечган Қозоғистондаги воқеалар Ўзбекистон учун қандай аниқ оқиботларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқаришга хали эрта эканлигини айтиб, минтақада кейинги иқтисодий интеграциялашув жараёнларида икки мақсадни: 1) Интерациялашув жараёнини Россиянинг фаол иштирокисиз кучайтиришни давом этиш; 2) Россия, Хитой, АҚШ ва Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик даражаларини мувозанатлаштириб боришни кўзлаш лозимлигини таъкидлаган [3].

Хорижий экспертлардан Economist Intelligence Unit ходими Марио Бикарски фикрича Россиядан пул ўтказмалари Ўзбекистон ЯИМ ни 12 % ни ташкил этади ва Россия иқтисодиётининг иқрозга юз тутиши Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётига катта хавф солиши мумкин [4]. Есимжан Нақтибайлар Россияга кўрилган санкциялар импорт товарларни Қозоғистонга олиб ўтишга таъсир қилишини ва бунинг натижасида баъзи товарлар Ўзбекистонга экспорти қилиниши қисқариши мумкинлигини айтишган [5]. Фарангиз Нажибуллаҳ тадқиқотларига кўра 2021 йилда

Россияда 4,5 миллион ўзбекистонлик мухожирлар ишлаш учун келган бўлиб, инқироз аҳоли даромадларига сезиларли таъсир қилишини айтган [6].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотимиз давомида инқирознинг салбий оқибатлари тизимлаштирилди, содир бўлиши мумкин оқибатлар илмий таҳлил қилинди. Статистик гуруҳлаш усулларида фойдаланиб ушбу давлатлар ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий аҳоли даражаси тавсифланди. Корреляцион регрессион таҳлил усулларида фойдаланиб аҳоли истеъмол харажатлари ва Россиядан келадиган жисмоний шахсларнинг трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми ўртасидаги боғланиш мавжудлиги аниқланди. Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси таркибида Россия ва Украина улушини статистик графиклар ёрдамида тасвирладик.

Таҳлил ва натижалар

Салбий оқибатлар асосан 3 йўналиш бўйича боради. Биринчидан, биржа товарлари нархи ошишида масалан, озиқ – овқат ва энерго ресурслар нархи, бу эса ўз навбатида аҳоли даромадларини тушиб кетишига ва талабга салбий таъсир қилишига олиб келади. Иккинчидан, қўшни мамлакатлар савдо, таъминот ва пул ўтказмаларида муаммоларга дуч келади чунки глобллашув жараёнида рақамли ва анъанавий иқтисодиётлар технологиялар ёрдамида бирлаштирилган [7].

Учинчидан, тадбиркорлик ишончсизлигини ортиши ва ноаниқлик индексининг ортиб кетиши инвесторларнинг активлар нархига салбий таъсир ўтказиши молиявий шароитларни оғирлаштиради ва ривожланаётган иқтисодиётлардан капитални оқиб кетишини тезлаштириши мумкин.

Россия ва Украина асосий ҳомашё товарларни ишлаб чиқарувчилари ҳисобланиб, бошланган инқироз аллақачон жаҳон нархларини, айниқса нефт ва табиий газ нархларини кескин ўсишига олиб келди. Озиқ – овқат нархлари ошди, Россия ва Украинага жаҳонда буғдой экспортининг 30 % и тўғри келади. 14 март кунидан бошлаб Евросиё иттифоқи мамлакатларига бир қанча турдаги дон экинлари, оқ шакар, шакарқамиш экспортини тақиқлаб қўйиши натижасида ҳам бу товарлар нархи максимал даражада кўтарилишига олиб келди [8].

Айнан Ўзбекистон учун бу вазият қандай аниқ оқибатларга олиб келиши мумкинлиги олдиндан айтиш қийин. Ўзбекистоннинг Коллектив ҳавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) ва Евро Осиё Иқтисодий иттифоқига аъзо эмаслиги Россия Федерациясига кўрилган санкциялардан қолган аъзо мамлакатларга қараганда камроқ зиён кўриши мумкинлигини англатади. Умуман олганда, ушбу вазият жаҳон бозори таркибини тубдан қайта қурилишига олиб келиши кутилмоқда. Айтиш жоизки, Россия Федерацияси ва Украина давлатлари ўртасидаги инқироз оқибатлари турли сценарийларда бўлиши мумкин. Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини ушбу мамлакатлардан жўнатилган жисмоний шахсларнинг трансчегаравий пул ўтказмаларини бир омил сифатида кўриб чиқишимиз иқтисодиётда кутишимиз мумкин бўлган оқибатларни бир томонлама кўриб чиқишимизга имкон беради (1 – жадвал).

1-жадвалда 2014 – 2021 йиллар мобайнида Россия Федерацияси ва Украина давлатларидан юртимизга юборилган валюта пул маблағлари келиб тушиш динамикаси келтирилган. Таъкидлашимиз зарурки, мамлакатимизга юборилган бу турдаги валюта трансферлари умумий улушида Россия Федерациясидан жўнатилган

валюта салмоқли улушни ташкил этади. Яъни, бу кўрсаткич 2014 – 2021 йилларда жамига нисбатан ўртача 78 % ни ташкил этган, ҳамда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аксинча, Украинадан бу кўрсаткичлар нисбатан жуда паст бўлиб, олинган давр мобайнида 0,31 % бўлгани ва йиллар мобайнида доимий ўсиб борганини кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Россия Федерацияси ва Украина давлатларидан жисмоний шахсларнинг трансчегаравий пул ўтказмалари, млн АҚШ доллорида [9].

Мамлакат	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Жами	6 468,10	3 881,40	3 783,80	4 896,50	5 114,80	6 010,00	6 027,00	8 074,00
Россия Федерацияси	5 609,70	3 027,20	2 998,00	3 907,30	3 963,10	4 637,00	4 344,00	5 674,00
Украина	13,1	7,3	7,6	9,5	13,1	19,00	18,00	26,00

Россия Федерация меҳнат ресурсларимизни реализация қилиш учун энг оммавий бозор ҳисобланади. Юртдошларимиз аксарияти чет элга ишлаш учун боришни режалаштиришганда Россия федерацияси энг кўп танланган. Буни бир томондан аҳолимиз кўп қисми рус тилини бошқа тилларга қараганда яхшироқ билиши бўлса, иккинчи томондан Осиё минтақасидаги талаб юқори меҳнат бозорига бу мамлакатнинг эга эканлиги билан асосланади. Шунингдек, ушбу йилларда Россия Федерациясидан жисмоний шахсларнинг трансчегаравий пул ўтказмалари 1,87 баровар ошган.

Аксинча, Украина давлатида мазкур кўрсаткичлар сезиларли фарқ қилади. Жисмоний шахсларнинг трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмидан кўришимиз мумкинки, бу мамлакатдан пул ўтказмалари унчалик кўп эмас. Олинган даврда эса жўнатилган пуллар 1,98 бароварга ошган бўлиб доимий ошиб борган бўлсада, аҳамиятсиз кўрсаткични ташкил этган.


Россия Федерациясидан жисмоний шахсларнинг трансчегаравий пул ўтказмаларини АҚШ долларида амалга оширишни тақиқланиши ва Украинадаги вазият келиб чиқадиган шароитлардан жорий йилда мамлакатимизга мос равишда ўртача 4 270,4 ва 12,73 млн. АҚШ долларлик валюта оқими йўллари ёпилганлигини англатади. Бу ўз навбатида ушбу фуқароларнинг Ўзбекистондаги уй хўжаликларига даромадларини, натижасида ялпи талаб ва оқибатда ЯИМ ни маълум бир кўрсаткичга тушишини англатади.

Таҳлил давомида корреляцион, регрессион моделлаштириш усулларида фойдаланиш бизга уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари (шу жумладан уй хўжаликларига хизмат кўрсатадиган нотижорат ташкилотлари) ва Россиядан (Украина ва Россия кўрсаткичлари ўртаси мултикорреляцион боғланиш мавжудлиги сабабли Украина тушириб қолдирилди) жисмоний шахсларнинг трансчегаравий пул ўтказмалари миқдорлари ўртасида 0.83 коэффициентли кучли даражадаги корреляцион боғланиш мавжудлигини аниқлашга имкон берди. Ушбу боғланишни R² (аппроксимация) кўрсаткичи 0,697 га тенг $y=33926,9x+ 6,198$ эконометрик модел билан изоҳлаш мумкин. Олган моделимизга асосан, Россиядан жисмоний шахсларнинг трансчегаравий пул ўтказмалари миқдорлари 1 млн. долларга ошганда уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари ўртача 3 млн. доллардан ошган. Бу бизга

Россиядан валюта ўтказмалари маълум миқдорда камайиши иқтисодий ўсишга салбий таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатади.

Ҳозирги геосийосий вазият мамлакатимиз ташқи меҳнат миграциясига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Яъни, кўплаб Ўзбекистон фуқаролари Россия Федерациясида топган реал даромадлари тушиб кетиши сабабли, пул ўтказмаларидаги муаммолар, ҳавфсизлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб ўз юртига қайтишни мақбул кўрадилар. Бу эса Ўзбекистон ички меҳнат бозорида таклифнинг ортишига, ушбу бозорда рақобатнинг ортишига олиб келади. Миллий иқтисодиётимизга юқорида келтирилган омиллардан ташқари ташқи савдо таркибида ҳам ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида асосий ҳамкорларидан бири Россия Федерацияси бўлгани учун санкциялар таъсири товар айланмасида сезилади.

Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмасида экспорт қилинган товарлар ҳажми келтирилган. Берилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ташқи савдода экспорт қилинган товарлар ҳажми бўйича Россия Федерацияси 9 % улуш билан 1 – ўринни эгаллайди. Жаҳонда Буюк Британия 45 %, Хитой 11 % дан сўнг 3 – ўринни эгаллайди (1 – расм).



1 – расм. Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси ҳажми, 2021 йил, млн. АҚШ долларида [9].

Бу Ўзбекистон иқтисодиётини Россия федерацияси билан кучли интеграциялашганлигини ва санкциялар таъсири мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам таъсир қилади. Шу билан бир қаторда агарда учинчи давлатлар кўмаги деб қабул қилинмаса, Россия бозорларига Европа маҳсулотларини ўрнини босувчи товарлар билан кириб боришга ва экспорт ҳажмини ошириш имконияти бор.

Ташқи савдода импорт таркибини кўриб чиқиш рискларни айнан шу йўналишда бўлиши мумкинлиги келиб чиқади (2-расм). Яъни, Ўзбекистон импортини МДХ давлатлари орасида Россия 5 580 млн. АҚШ доллари (23%) билан биринчи ўринда ва Қозоғистон импорти 2 860 млн. АҚШ доллари (12%) иккинчи ўринни эгаллайди, жаҳон бозорида ҳам энг кўп импорт қилинган Хитойда 4 691 млн. АҚШ доллари бўлсада бу Россиядан импорт ҳажмидан 889 млн. АҚШ долларига кам.

Импорт таркибини батафсил таҳлил қилсак, 2021 йилда мамлакатимизга импорт таркибини 2,92 млрд. АҚШ долларини озиқ – овқат маҳсулотлари ташкил этган (2 – жадвал). Украинадан асосан гўшт, шакардан тайёрланган қандолат

маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, какао ва ундан тайёрланган маҳсулотлари импорт қилинган. Россия федерациясидан ўсимлик ёғи, маргарин, какао ва ундан тайёрланган маҳсулотлари, спиртсиз ичимликлар, қайта ишланган мева – сабзаёт маҳсулотлари, сут ва гўшт каби товарлар энг кўп импорт қилинган. Белоруссиядан гўшт, сут ва сут маҳсулотлари импорт қилинган. Қозоғистондан эса дон ва ун маҳсулотлари импорти деярли тўлиқ шу мамлакат ҳиссасига тўғри келмоқда, яъни мос равишда 648,3 млн доллар (97,9%) ва 92,9 млн доллар (97,2%) .

Дон маҳсулотлари импортида Россиянинг улуши жуда кам бўлсада, Қозоғистонда ушбу маҳсулот таклифи тушиб кетган тақдирда ЕОИИ доирасида Россия ишлаб чиқарувчилари томонидан божларсиз экспорт қилинган. Бу рақобатни вужудга келиб нархларни барқарорлашишига ва дон маҳсулотларини бир қисмини Ўзбекистонга экспорт қилишга йўл очиб берган.

2 – жадвал.

Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан озиқ – овқат товарлари импортида давлатлар улуши,% [10].

Мамлакат	Улуши, %	Мамлакат	Улуши, %
Қозоғистон	34,1	Белоруссия	3,6
Россия	27,3	Украина	2,2
Бразилия	11,2		

Россия федерациясида дон маҳсулотлари экспортига таъқиқ қўйилиши Қозоғистон ички бозорида талабнинг ошишига, нархларнинг нисбатан ортишига ва пировардида экспортнинг қисқаришига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, Россияга қўйилган санкциялар оқибатида жаҳон бозорида дон нархи кескин ошди. Бунга сабаб, Россия федерациясининг дунёдаги энг катта буғдой экспортчиси эканлигидир. Бундан ташқари табиий газ нархи ошиши минерал ўғитлар нархини бинобарин, дон маҳсулотлари нархини ошишига олиб келувчи бир омилдир. Нефт ва газ нархи ошиши бевосита шакар, маккажўхори ва айрим ўсимлик мойлари нархи ошишига ҳам олиб келади.

Ўзбекистон истеъмол бозорида ўсимлик ёғига бўлган йиллик эҳтиёжининг (475 минг тонна) ўртача 45 фоиз қисми импорт ҳисобидан қопланади. Кунгабоқар етиштириш бўйича дунёдаги энг етакчи мамлакатлар эса айнан Украина ва Россия (мос равишда 1-ва 2-ўринларда туради). Ушбу мамлакатларда божлар оширилиши ва маълум чекловлар ўрнатилиши эса Ўзбекистон ички бозорида ўсимлик ёғи нархларига таъсир қилиш эҳтимоли жуда юқори.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда Россия-Украина муносабатларининг кескинлашиб кетиши оқибатида, қуйидаги тахминларни илгари суришимиз мумкин:

– Ўзбекистон иқтисодиёти хориждан, айниқса Россия Федерациясидан юборилган пул ўтказмаларига ниҳоятда боғланган. Пул ўтказмаларининг камайиши мамлакатимиз кўплаб уй хўжаликлари иқтисодий фаоллигига ўз таъсирини кўрсатади;

– Украина ҳудудидан ва Болтиқбўйи давлатлари портларидан кейинчалик Россия ҳудуди бўйлаб транзит ҳолда Ўзбекистонга етиб келадиган кўплаб турдаги маҳсулотлар баҳоси қимматлашади;

– Шунингдек, Россия орқали экспорт қилинадиган баъзи маҳсулотларимизни халқаро бозорга етказиб беришда маълум муаммоларга ҳам дуч келиниши мумкин;

– Россияга қўлланилган санкциялар миграция инқирозига сабаб бўлади. Бу эса табиийки иш ўринларининг қисқаришига олиб келади. Яъни мигрантларимизнинг даромадлари пасайиши билан бирга ишини йўқотиш ҳавфи ҳам кучаяди;

– Россия биз учун энг йирик савдо ҳамкорларимиздан бири. Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг 23 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келади. Бу жуда ҳам катта кўрсаткич. Инқироз шароитида, рублнинг қадрсизланиши оқибатида Россия билан бўладиган импорт-экспорт савдо айланмасига салбий таъсир қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TASHQI SIYOSATI. <http://www.uzbekistan.org.ua/uz/o-zbekiston-respublikasi-tashqi-siyosati.html>
2. Украинадаги уруш Ўзбекистон ички бозоридаги нархларга қандай таъсир қилиши мумкин? <https://m.kun.uz/news/2022/03/17/ukrainadagi-urush-ozbekiston-ichki-bozoridagi-narxlarga-qanday-tasir-qilishi-mumkin>
3. What Consequences can Central Asian Countries Expect from Russia’s War in Ukraine? <https://cabar.asia/en/what-consequences-can-central-asian-countries-expect-from-russia-s-war-in-ukraine?pdf=51566>
4. Central Asia suffers collateral economic damage from Russia’s war in Ukraine. <https://www.marketplace.org/2022/03/22/central-asia-suffers-collateral-economic-damage-from-russias-war-in-ukraine/>
5. Россияга қарши санкциялар импорт қилинадиган товарларнинг ҳаракатига таъсир қиладими. https://www.inform.kz/ru/rossiyaga-karshi-sankciyalar-import-kilinadigan-tovarlarning-arakatiga-ta-sir-kiladimi_a3912566/amp
6. Central Asia Takes Economic Hit From Russian War In Ukraine Sooner Than Expected. <https://www.rferl.org/a/central-asia-migrants-ruble-impact/31730968.html>
7. Eshpulatov D. Issues of Digitization of the Banking and Financial System in the Integration of the Republic of Uzbekistan into the World Economy. Academic Journal of Digital Economics and Stability Volume 10, 2021. 76-81 p. ISSN 2697-2212 Online: <https://academicjournal.io>
8. Как война в Украине отражается на разных регионах мира. <https://www.imf.org/ru/News/Articles/2022/03/15/blog-how-war-in-ukraine-is-reverberating-across-worlds-regions-031522>
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки хисоботлари. <https://cbu.uz/ru/publications/annual-report/>
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари
11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги расмий сайти. <https://mift.uz/>
12. Ўзбекистон Республикаси товар – хомашё биржаси расмий сайти. <https://uzex.uz/>

